

ҚУРИЛИШ КОРХОНАЛАРИДА ХАРАЖАТЛАР ХИСОБИ ВА МАҲСУЛОТ ТАННАРХИНИ КАЛЬКУЛЯЦИЯ ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Абдурахманов Отабек Патидинович

ТДИУ магистранти

Аннотация: Ушбу мақолада муаллиф қурилиш корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларига таъсир этувчи омиллар, харажатларни бошқаришнинг асосий функцияларини, қурилиш корхоналарида харажатларни бошқариш ва унинг ҳисобига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиб, маҳсулот калькуляциясини самарали таъкил этилишини ёритиб берган.

Калит сўзлар: таннарх, харажат, калькуляция, маҳсулот, ишлаб чиқариш, харажатлар ҳисоби, жавобгарлик марказлари.

Аннотация: В данной статье автор проанализировал факторы, влияющие на себестоимость продукции на строительных предприятиях, основные функции управления затратами, управление затратами на строительных предприятиях и факторы, влияющие на ее расчет, а также разъяснил эффективную организацию учета продукции.

Ключевые слова: себестоимость, себестоимость, расчет, продукт, производство, хозрасчет, центры ответственности.

Abstract: In this article, the author analyzed the factors affecting production costs in construction enterprises, the main functions of cost management, cost management in construction enterprises and the factors affecting its calculation, and explained the effective organization of product calculation.

Keywords: cost, cost, calculation, product, production, cost accounting, responsibility centers.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6119-сонли Фармони[1], Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида“ НИЗОМ [2] ва бошқа ҳуқуқий норматив ҳужжатларга мувофиқ танқидий таҳлил асосида технология жараёнларини ҳамда хом-ашё, материаллар ва энергия ресурслари сарфи нормаларини мақбуллаштириш, қувватлардан фойдаланиш даражасини самарадорлигини ошириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш, фойдаланиш ва қўшимча сарф-харажатларни қисқартириш, харид қилинадиган хом-ашё, материаллар ва бутловчи буюмлар қийматини пасайтириш, ходимлар сонини муқобиллаштириш ҳисобига қурилиш соҳаси маҳсулотларининг таннархини камайтиришга қаратилган қатор комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Юқоридаги фармондан келиб чиқиб, жаҳон бозорида мамлакат рақобатбардошлигини таъминлашда соҳанинг рўли муҳим, аввало, ҳар бир қурилиш корхонасининг ички ва ташқи муҳит талабларидан келиб чиқиб харажатларни оптимал бошқаришда самарадорликни ошириш билан белгиланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Соҳага оид иқтисодий адабиётларда харажатлар, ишлаб чиқариш харажатлари, ишлаб чиқариш бўлмаган харажатлар, таннарх ҳамда маҳсулот таннархини калькуляцияси каби тушунчалари қўлланилган.

Иқтисод фанлари доктори, профессор Ш.Шодмонов томонидан ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи тушунчаларига қуйидагича таъриф келтирилган: “Ишлаб чиқариш харажатлари — корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадларида, иқтисодий ресурслар сотиб олиш учун қилган пул

сарфлари. Фирма ўз фаолиятини бозордан моддий ресурслар, яъни асбоб-ускуна, дастгоҳлар, транспорт ва алоқа воситалари, хом-ашё, ёқилғи, ҳар хил материалларни, меҳнат бозоридан ишчи кучини сотиб олишдан бошлайди. Шунга мувофиқ ҳолда ишлаб чиқариш харажатлари таркибига хом-ашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, ёнилғи ва энергия харажатлари, асосий капитал амортизацияси, иш ҳақи ва ижтимоий суғуртага ажратмалар, фоиз тўловлари ва бошқа харажатлар киради. Ишлаб чиқариш харажатларига қилинган барча харажатларнинг пулдаги ифодаси маҳсулот таннархини ташкил қилади” [3].

М.Болтабоев “ТАННАРХ, маҳсулот таннархи — корxonанинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш ҳамда ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш учун қилган жами жорий харажатларининг пул шаклидаги ифодаси. Товар ишлаб чиқаришда таннархнинг муҳим элементлари — четдан олинадиган хом-ашё, асосий материаллар, электр-энергия ресурслари чиқимлари; асосий ва қўшимча иш ҳақи; ижтимоий суғурта ажратмалари; амортизация ажратмалари ва бошқа сарф харажатлар.” [4] - деб таъриф келтиради.

Н.Абдусаломова «таннарх ҳисоби – ривожланаётган мамлакатларда бухгалтерия ҳисобининг янги тенденцияси» [5] деб баҳолайди.

О.Д.Каверина харажатларни бошқаришни асосий функциялари қуйидагилардан иборат деб таъкидлайди[6]: режалаштириш ва харажатларни прогнозлаштириш, харажатларни бошқаришни ташкил қилиш, тартибга солиш ва мувофиқлаштириш, рағбатлантириш ва фаоллаштириш, ҳисоб, таҳлил, мониторинг ва назорат.

Н. Абдусаломова «Қора металлургия саноати корxonаларида маҳсулот таннархини калькуляция қилишни такомиллаштириш йўналишлари» мақоласида жавобгарлик марказлари фаолият жараёни учун масъул раҳбар, жавобгар бўлган корxonадаги бўлимлар ҳисобланади. Жавобгарлик марказлари бўйича харажатлар сметаси ўрнатилган ресурсларга қилинган харажатлар нормаларини ишлаб чиқиш харажатлар ҳисобини юритишда ва маҳсулот таннархини камайитиришда муҳим дастак деб баҳолайди.

Юқоридаги маълумотлардан хулоса қилиш мумкинки, иқтисодий, молиявий, бухгалтерия ҳисоби ва бошқарув ҳисоби нуқтаи назаридан таърифларни умумийликни ажратиш, тизимлаштириш зарурати мавжуд. Мавжуд манбаларда маҳсулот таннархига ишлаб чиқариш харажатлари билан бир қаторда сотиш билан боғлиқ харажатлар киритилган хилма хиллик мавжуд. Халқаро тажрибаларда эса сотиш билан боғлиқ харажатлар маҳсулот таннархига эмас, балки давр харажатлари (операцион харажатлар) харажатлар таркибига киритилган. Ушбу таҳлиллардан келиб чиқиб, биз харажатлар тушунчаси таннарх тушунчасидан кенгроқ маънони англатади, яъни харажатлар таннархни ҳам ўз ичига олади деган фикрга қўшилган ҳолда харажатлар ва таннарх тушунчаларига умумиқтисодий, молиявий ҳисоб, бухгалтерия ҳисоби ва бошқарув ҳисоби юзасидан алоҳида изохланиши мақсадга мувофиқ, шунингдек жавобгарлик марказлари бўйича харажатлар сметаси ўрнатилган ресурсларга қилинган харажатлар нормалари ишлаб чиқиш харажатлар ҳисобини юритишда ва маҳсулот таннархини камайтиришда муҳум омиллардан бири деб ҳисоблаймиз.

Тадқиқот методологияси Ушбу тадқиқот ишида адабиётларни мантиқий таҳлил қилиш асосида хулосалар қилинди, интернет саҳифасидаги маълумотлардан фойдаланилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида” НИЗОМ ва бошқа соҳага доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда келтирилган маълумотлар методологик асос қилиб олинди. Хорижий мамлакатлар тажрибаси ўрганилди. Таннарх ҳисоби бўйича инглиз тилидаги дарслик, илмий мақолалар илмий таҳлил қилиб чиқилди. Мақолани тайёрлашда гуруҳлаш, таққослаш, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, статистика, иқтисодий таҳлил усулларида фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар Дунё мамлакатлари иқтисодиётининг жадал суратларда ривожланиши Республикамиз иқтисодиётининг ҳар бир соҳасига кенг кўламли имкониятлар бериш шу жумладан қурилиш корхоналари фаолиятини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашни давом эттирилиши, соҳанинг иқтисодиётда ўрнини барқарор ривожланиши учун қулай шарт-шароит ва имкониятлар яратишни талаб этмоқда. Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга муурожаатномасида қурилиш соҳаси ҳақида: “Ҳозирги вақтда қурилиш соҳаси иқтисодиётнинг муҳим “драйвер”ларидан бирига айланди. Бу соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 6 фоиздан ошгани ҳам бу фикрни яққол тасдиқлаб турибди. Ушбу тармоқни янада ривожлантириш учун қурилишга оид нормаларни халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш, замонавий қурилиш технологиялари ва материалларини татбиқ этиш, соҳа учун кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш зарур. Шунингдек, тендерлар ўтказишнинг аниқ мезонларини ишлаб чиқиш ва соҳада ахборот технологияларини кенг жорий этиш керак” деб таъкидлаб ўтганлари соҳанинг Республика иқтисодиётида нечоғлик аҳамиятли эканини кўрсатади. Шу билан бирга, корхоналарда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва уларнинг бир маромда фаолиятини мувоффақиятли давом эттиришларида харажатлари ҳисобини тўғри ташкил этиш ва маҳсулот таннархини пасайтириш йўллари илмий ҳамда амалий жиҳатдан асосланганлигини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Қурилиш корхоналарда тўлақонли бошқарув ҳисобининг хусусан жавобгарлик марказларинг фаолиятини самарали йўлга қўйилиши бўлиб, унинг ўзаги таннархни ҳамда харажатларни шаклланишини бошқаришдир. Харажатларни шакллантириш ва таннарх бошқарув ҳисобининг марказий негизида қурилиш корхоналарнинг ҳисобини юритиш ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоларидандир. Қурилиш корхоналарида моддий харажатларни шакллантириш таннархни калькуляция қилиш усуллари билан узвий боғлиқ бўлиб, бу калькуляция қилиш усуллариининг муҳим хусусиятларига, жумладан,

соҳавий хусусиятларига ҳам боғлиқдир. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини тўғри ташкил этиш ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг илмий асосланганлиги уларнинг назарий жихатлари қай даражада ишлаб чиқилганлигига боғлиқ.

1-Жадвал⁴

Харажатларнинг гуруҳланиши

<p>Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар:</p>	<p>а) бевосита ва билвосита моддий харажатлар; б) бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари; в) бошқа бевосита ва билвосита харажатлар, шу жумладан ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган устама харажатлар; ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган, бироқ асосий фаолиятдан олинган фойдада ҳисобга олинмайдиган ҳамда давр харажатларига киритилмайдиган харажатлар: а) сотиш харажатлари; б) бошқариш харажатлари (маъмурий сарф-харажатлар); в) бошқа операцион харажатлар ва зарарлар; хўжалик юритувчи субъектнинг умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда ёки зарарларни ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинмайдиган хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий фаолияти бўйича харажатлари:</p>
<p>Хўжалик юритувчи субъектнинг умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда ёки зарарларни ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинмайдиган хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий фаолияти бўйича харажатлари</p>	<p>б) хорижий валюта билан операция бўйича салбий курс тафовутлари; в) қимматли қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолаш; г) молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар</p>

⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида” НИЗОМ

Қурилиш корхоналарида харажатлар таркибида моддий харажатлар салмоқли ўринни эгаллайди, шу сабабли моддий харажатлар таркибини калькуляция қилиш орқали қайси бир харажатларга ошиқча йўл қўйилаётганлигини аниқлаб шу харажатларни қисқартириш чораларини кўриш, корхоналар фаолиятини бошқариш орқали фойда солиғи бўйича солиққа тортиладиган базани шакллантириш билан боғлиқ бўлган муаммоларнианг ечимини топиш алоҳида ўрин эгаллайди. Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш таннархига бевосита маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган, ишлаб чиқариш технологияси ва уни ташкил этиш билан шартланган харажатлар киритилади. Уларга қуйидагилар тегишли бўлади: бевосита ва билвосита моддий харажатлар, бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари, бошқа бевосита ва билвосита харажатлар, шу жумладан ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган устама харажатлар.

2-жадвал⁵

Маҳсулот таннархини ҳосил қилувчи харажатларнинг гуруҳланиши

<p>Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қилувчи харажатлар уларнинг иқтисодий мазмунига кўра қуйидаги элементлар билан гуруҳларга ажратилади:</p>	<p>ишлаб чиқариш моддий харажатлар (қайтариладиган чиқитлар қиймати чиқариб ташланган ҳолда);</p> <p>ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;</p> <p>ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар;</p> <p>асосий фондлар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси;</p> <p>ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар.</p>
---	---

⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида” НИЗОМ

Ҳозирги вақтда таннарх ҳисоби амалиётда муҳим тизимлардан бири сифатида, назарияда эса алоҳида фан сифатида юзага келмоқда. Соҳага доир адабиётларни таҳлил қилиш асосида қуйидагича хулоса қилишимиз мумкин: Таннарх ҳисоби тизими-бу таннарх объектига доир бўлган ахборотларни ўлчаш, ёзувини амалга ошириш, таҳлил ва интерпритация қилиш ҳамда таннарх ҳисоботини тузишда қўлланиладиган доимий жараёнлар ва протсессуал мажмуасидан иборатдир. Таннарх ҳисоби тизимининг бош мақсади маҳсулот таннархини ишончли, объектив аниқлаш, менежерларга қарор қабул қилиш учун ахборот тақдим этиш, бошқарув қарорларининг муқобил вариантларини ишлаб чиқиш ҳамда маҳсулот бирлиги таннархини аниқлашдир.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб таъкидлаш лозимки, қурилиш корхоналарида харажатларни бошқариш, маҳсулот таннархини пасайтиришда харажатлар марказларини ўрганиш орқали ортиқча сарфларни таҳлил қилиш, хом ашё ва материаллар ҳисобини мувофиқлаштириш ва соҳага замонавий технологияларни, соҳанинг ҳақиқий мутахассисларини жалб қилиш орқали маҳаллийлаштириш орқали таннархни пасайтириш мақсадга мувофиқ.

Келтирилган хулоса ва таклифлар мамлакатимизда қурилиш соҳасининг ривожидан, халқимизни арзон ва сифатли қурилиш материаллари ва қулай бино иншоотлар билан таминланишида сезиларли туртки бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6119-сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида“ НИЗОМ
3. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-i/ishlab-chiqarish-xarajatlari-uz/>
4. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-t/tannarx-uz/>
5. Abdusalomova N., 2017. "Cost Accounting and Financial Health: Analysis of Cost Reduction Policy Effect in Selected Enterprises of Metallurgy Industry in Uzbekistan," International Journal of Management Science and Business Administration, Inovatus Services Ltd., vol. 3(3), pages 33-38, March.
6. Каверина О.Д. Управленческий учет: системы, методы, процедуры. Учебник. – М.: Финансы и статистика, 2008. – 352 с.